

«Сабъул масоний» тафсири 18-боб



17:00 / 06.12.2020 1478

Фақиҳ Абу Лайс раҳимахуллоҳ айтадилар:

Саид ибн Жубайр Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилдилар: «У зот Аллоҳ таолонинг:

﴿مِطْعَمٌ لِّأَنْزُلُوا وَيُنَادِيَهُمْ لِيَفْهَمُوا فَتَنَّا الَّذِينَ لَا يَرْجُونَ عِزِّيَ﴾

«Дарҳақиқат, Биз сизга етти такрорланувчини ва улуғ Қуръонни ато этдик». (Ҳижр сураси, 87-оят), деган сўзидаги етти такрорланувчи ҳақида: «Улар: Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом ва Аъроф», дедилар, аммо мен еттинчисини унутдим. Албатта, булар масоний, яъни мақталган деб номланди. Чунки Аллоҳ таоло уларни мақтади, Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг умматлари учун уларни сақлаб қўйди». Тобеъинлар ҳам худди шундай дейишган

Ибн Аббос розияллоху таоло анхумонинг ривоятидан бошқа ривоятда айтиладики: «Сабъул масоний (етти такрорлашувчи) Фотиҳа сурасидир». Ибн Масъуд сабъул масонийни Фотиҳатул китоб, деганлар. Абул Алия ҳам Аллоҳ таолонинг: «Сабъан минал масоний» сўзи ҳақида: «У Фотиҳатул китоб», деб айтганлар. У кишига: «Улар етти узун суралар эмасми?» дейишганда: «Бу оят нозил бўлганда, узун суралардан бирортаси ҳали тушмаган эди», дедилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу таоло анҳу айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У Фотиҳатул китоб», дедилар».

Бошқа ривоятда айтилишича, бу билан Қуръоннинг ҳаммасини ирода қилганлар.

Айтадиларки, Фотиҳатул китоб сабъул масоний деб аталди, чунки у етти оятдир ва ҳар намозда ўқилгани сабабли мақталгандир. Яна айтиладики, унинг сабъул масоний деб номланишига сабаб икки марта – бир марта Маккада ва бир марта Мадинада нозил бўлгандир.

Валлоҳу аълам.

«Бўстонул Орифийн» китобидан